

## IMAGINATION AS A MEANS OF REFLECTING THE PSYCHE

N N Azizov

He is a doctoral student at Andijan State University

The article explores the epic significance of the depiction of the protagonist in the trilogy "Four Sides of the Qibla" by writer Oman Mukhtor. The artistic-aesthetic function of the imagination in the development of the spiritual world is analyzed based on scientific and artistic sources.

**Keywords:** fantasy, fiction, artistic psychology, analytical principle, demonological character.

### ХАЁЛОТ ТАСВИРИ РУХИЯТНИ АКС ЭТТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Н.Н.Азизов

Андижон давлат университети таянч докторанти

Мақолада ёзувчи Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясида хаёл тасвирининг қаҳрамон руҳиятини ёритищдаги эпик аҳамияти ўрганилган. Руҳий олам инкишофида хаёл мотиви бажарган бадиий-эстетик функция илмий ва бадиий манбаларга таяниб, таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** хаёлот, фантастика, бадиий психологизм, аналитик принцп, демонологик персонаж.

Хаёл инсоннинг доимий ҳамроҳи. У хаёл воситасида болаликка қайтиши ёки келажакка саёҳат килиши, орзу-армонларини эслаб, умидланиши ва ё тушкун ҳолатда бўлиши мумкин. Бу табиий. Эндокринолог Ганс Селье таъбири билан айтганда, тасодифий деб хисобланган кўплаб кашфиётлар, аслида, хаёлотнинг буюк кучи туфайли пайдо бўлади. Француз адаби Ж.П.Сартр фикрича эса, дунёдаги ҳар қандай конкрет ва реал онг реалликдан ташқарига чиқишини ифодалайдиган даражада хаёл билан тўлдирилади<sup>1</sup>. Бадиий асарда ҳам қаҳрамон ўй-хаёлларини ифодалашдан турли бадиий мақсадлар кўзда тутилади. Аниқлик киритиб олиш керакки, биз хаёл деганда персонажнинг ҳар қандай ўй-хаёлларини эмас, қаҳрамон руҳий эврилишларига туртки бўлган, шунингдек, фантастик ҳолат ва тасвирларнинг юзага чиқишига хизмат қилган бадиий детални тушунамиз. “Тўрт томон қибла” трилогияси таркибидаги романларда хаёл салмоғи тадрижий ўсиб бориши кузатилади. Биринчи роман “Минг бир қиёфа”да персонаж хаёли билан боғлиқ биргина эпизодик нореал лавҳа тасвирланса, “Қўзгу олдиғаги одам”да Валижон хаёлларига кенгрок ўрин берилиб, тахайюл эркинлиги муаллифга “инсон онгининг чуқур пучмоқларини тасвирлаш, унинг онг ости қатламларига таъсир қилиш орқали бадиий мулокотни амалга ошириш”<sup>2</sup> да қўл келади. “Тепалиқдаги ҳароба”да эса хаёлот роман марказида туради. Гарчи Мирза Ғолиб хаёлларида ранг-баранг, бир-биридан олис макон ва замонга оид ғайритабиий ҳодисалар учраса-да, синчковлик билан қаралса, барининг замирида реаллик ботин экани, муаллиф реал борликни, ўз даврини мушоҳада этаётгани аёнлашади.

“Минг бир қиёфа”нинг бир неча ўрнида Абдулла Ҳакимнинг Ҳалимани ёдга олиши, бевосита унга бағишлиб ёзган шеърларини эслалиши насрый асарнинг лиризм билан сугорилишини таъминлайди. Персонаж хаёлотидан уйғун тарзда фантастик тасвирга ўтиб кетилиши билан характерли эпизод ҳам бевосита Ҳалима билан боғлиқ. Қуйида шу ҳақда тўхталамиз:

<sup>1</sup> Сартр Ж.П. Воображаемое. Феноменологическая психология воображения. – Москва: Наука, 2001. – С.306.

<sup>2</sup> Куронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.292.

“Манзиллар чекиниб, деворлар суриниб, эшиклар қулаб, бехосдан Ҳалима хонага кириб келганича, унинг рўпарасида тўхтади”<sup>3</sup>.

Абдулла Ҳаким корчалонлар қўлида – тутқунликда, калтакланган ва азобланаётган ҳолда, инсон бундай пайт “кимгадир сигиниб-суюниш, ёлвориб илтижо қилишни истайди”. Қаҳрамоннинг беихтиёр Ҳалимани эслали ва қархисида аёлнинг пайдо бўлиши бадиий ҳақиқатга тўла мос. Мазкур лавҳа В.Шекспирнинг “Ҳамлет”, Фитратнинг “Абулфайзхон”, С.Зуннунованинг “Рух билан сухбат”, А.Ориповнинг “Соҳибқирон” асарларидағи фантастик эпизодни ёдга солади. Ушбу асарларда келтирилган бадиий шартли тасвирдан муайян поэтик мақсад кўзланган ва муаллифлар қайсиdir даражада бунга эришган, дея оламиз. Айтиш керакки, “Абулфайзхон” драмасида хаёл конкретлашиб, персонаж ўлароқ ҳаракатлана бошлади. Сиёвушнинг Ҳаёлга айланиб, сюжетда пайдо бўлиши, биринчи галда, замон ва макон орасидаги масофани йўққа чиқаради. Қолаверса, Фитрат юрагини ўртаётган дардларни, айнан, Ҳаёл тилидан айтиб олади. Тарихга назар согланади унда ўз замонасида кечачётган жараёнлар, ёвуслигу жаҳолатнинг аксини кўргани, мушоҳада обекти XX аср аввалидаги Туркистон бўлгани шубҳасиз. Асар сўнгидаги Ҳаёл монологи муаллифнинг тожу тахт, салтанатга нисбатан муносабати ифодаси экани, тагзаминида юрт қайғуси-да борлиги ошкора сезилади. Эътибор беринг: “Ҳаёл (тактга қараб). Эй қора куч, куруб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмаған болалардан, тоғ каби йигитлардан миллиончалари сен учун қурбон бўлиб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилган мингларча тангрининг энг бузукбоши, энг шуми, энг қоп-қора саодат – сенсан”<sup>4</sup>.

Юқорида саналган асар қаҳрамонлари арвоҳ билан (“Ҳамлет”да ота арвоҳи, “Абулфайзхон”да Сиёвуш арвоҳи, “Рух билан сухбат”да марҳум эр арвоҳи) сухбатга киришса, Абдулла Ҳакимнинг сухбатдоши тирик; у қачонлардан бери Ҳалимани бир кўриш орзуси билан яшаган. Табиийки, хаёлий учрашувда ретроспектив усул билан муҳаббат тарихи эсланади. Персонажнинг дунёга этак силкиб, дарвешона ҳаёт йўлини танлагани ушалмаган орзу – севги билан боғлиқ экани ойдинлашиб, бир пайтлар осийлик, муҳаббатда бебурдлик қилгани ҳақиқатлари унинг бугунги руҳий ҳолати, мискин қиёфасини тўлақонли асослаб беради. Шундай бўлса-да, бу воқеа қаҳрамон орзусининг рўёбга чиққани билангина қимматли эмас.

“Мен сени фақат узоқдан бир кўрмоқчи, сўнгги бор ҳуснингни томоша қилмоқчи эдим. Минг шукр, ахийри бу менга насиб этди. Мен энди ўлимдан қўрқмайман”<sup>5</sup>.

Айнан, ўлимдан қўрқмаслик Абдулла Ҳакимнинг Бурҳон Шариф билан боғлиқ воқеа (корчалонларнинг Бурҳон Шариф ўрнига уни қийноққа солиши) юзасидан чиқарган қарорида қатъий колиб, мустаҳкам ирова қўрсатишида ғоят муҳим эди.

Ўтган асрнинг 20-йилларида исёнкор шоиримиз Чўлпон:

Ҳаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир,  
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен<sup>6</sup>

– деб ёзганди. Таассуфки, Омон Мухтор қаламга олган даврда ҳам ёлғиз хаёл гўзал, ҳақиқатнинг кўзлари эса ҳамон қўрқинчли бўлиб қолаверган. Абдулла Ҳаким ўша қўрқинчли кўзларга тик боқиш, жасорат қўрсатишида ҳаёлий воқеадан ҳам куч олган.

“Кўзгу олдидаги одам” романи қаҳрамони Валижон ўй-хаёлларида эса Сирож муаллим муқим ўрнашиб олган. Ҳарчанд уринсин, унутиш, чалғиши имкони топилмайди. Нима қилиб бўлса-да, сирли жумбоқни ечиши шарт. Куттилмаган воқеадан (ўлган одамни қайта учратиш) ҳайратга тушган қаҳрамон хаёллари қўрқинчли тусга кириб боради. Масалан, ўша куннинг ўзидағи тунги ўйларига дикқат қаратайлик: “Болаликда раҳматли холамдан эшитган воқеани беихтиёр эсладим... Тунда ховлига чиқса, ялтираган тогора устига соchlарини ёйиб, гўзал бир ажина бошини юваётган эмиш!

Ўлими олдидан катта амаким айтиб берган воқеа ҳам ёдимга тушди...

<sup>3</sup> Мухтор О. Минг бир киёфа // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б.24.

<sup>4</sup> Фитрат. Танланган асарлар. V жилдлик, I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б. 219.

<sup>5</sup> Мухтор О. Минг бир киёфа // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 27.

<sup>6</sup> Чўлпон. Асарлар. V жилдлик, I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 76.

Дала-даштда, аравада кетаётган экан. Бехосдан рўпарада хурпайган қоп-қора бир шакл пайдо бўлиди. От ўзини орқага ташлабди. Арава тўнтарилиб кетибди! Ҳаммаёги шилиниб-қонаган амаким арава остидан чиқиб қараса, хеч нарса йўқ, фақат от ҳамон титраб турибди эмиш!”<sup>7</sup>

Кўчирмага кенг ўрин бердикки, бундан мақсад Сирож муаллим билан бошланган қаҳрамон хаёлларининг ваҳимага айланиб, катталлашиб бораётганига ургу бериш. Жараённинг бу тарзда кечишини Сирож муаллим қиёфасида Иблис образи тасвирлангани (бу ҳақда иккинчи бобда тўхтalamиз) билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, Валижоннинг қабристонда хаёлидан ўтган иқрор: “Мен қабристонга йиллар бўйи бирорни зиёрат қилгани кирмаган; бугунги даҳмаза рўй бермаганида, кирмас ҳам эдим... Шармандалик, албаттга!”<sup>8</sup>, – содир бўлаётган воқеаларнинг табиийлигини далиллайди. Кўрамизки, иймоннинг заифлашуви, эътиқодда суст кетиш Сирож муаллимни қаҳрамон қарисига олиб чиқсан. Бу худди Худони унутиб юбораётган маконга Воланднинг келишига ўхшаш манзара. Шундан келиб чиқиб айтамизки, иймон масаласи романда марказий ўрин тутган бош мавзулардан бири. Д.Атлашкина Н.В.Гоголнинг “Даҳшатли қасос” ҳикоясида сеҳргар қиёфасида шайтоннинг кучи тасвирлангани, лекин бу сирли, қўрқинчли кучга провослав дини, илоҳий қонунларнинг барча фатҳ этувчи кучига ишонч туйғуси қарши туришини ёзади<sup>9</sup>. Омон Мухтор романида ҳам, “мавжуд ҳолатнинг сабабларини ташқаридан излаб тополмаган, руҳан эзилиб маънавий инқизозга юз тутган Валини Аллоҳга бўлган чала-яrim эътиқодигина тутиб қолади”<sup>10</sup>. Кўрамизки, демонологик персонажларни фақат иймон билангина енгиб ўтиш мумкин. Эътиқодимиз нуқтаи назаридан бунга шак-шубҳасиз ишонамиз. Аммо эътироуз уйғотиши мумкин бўлган жиҳат борки, ҳалқ эртакларида шайтонни ақл-заковат, уддабуронлик орқали енгган қаҳрамонлар ҳам учрайди. Ш.Назарова шайтонни енглиш мотивига тўхталаракан, “Шайтон билан дехқон” эртагига мурожаат этади<sup>11</sup>. Эртак сюжетида ўз ғарзи боис бир неча бор зарар кўрган шайтон икки хум тилла сабаб дехқон билан шартлашади. Шартга кўра, “Бир-бирилизни опичлаб, ашула айтиб кетамиз, қайси бирилизнинг ашуламиз кўп бўлса, тиллани ўша олади”,<sup>12</sup> – деб айтилади. Тадқиқотчи ашула ижроси, овоз гўзаллиги, оҳанг тебранишлари билан боғлик шарт-синов мотивлари Довуд а.с.га бориб туташишини, дехқон қиёфасида, айнан, Довуд а.с. келишини таъкидлаш билан бирга, шайтонни енгиш мотиви генезисини Иблис ва Исо а.с ўртасидаги сұхбат, Мұхаммад (с.а.в)нинг шайтон билан савол-жавобига – илоҳий манбаларга боғлади. Айтилганлардан келиб чиқиб, демонологик руҳларни енгишда иймон бирламчи экани ҳақидаги фикримиз тўла асосли эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Маълумки, “адабиётшуносликка оид манбаларда бадиий психологизмнинг динамик, типологик ва аналитик принциплари фарқлаб кўрсатилади. <...> Аналитик принцип персонаж дилидаги хис-туйғулар, онгидаги ўй-фикрларнинг илдизлари, тадрижини жараён тарзида изчил ва атрофлича тасвирлашни тақозо этади”<sup>13</sup>. “Кўзгу олдидаги одам” романида, айнан, аналитик принципнинг етакчилиги яққол кўринади. Валижоннинг Сирож муаллим ҳақидаги хаёлларидан Бадалбек, Ҳанифа, Мамлакатхон, тўрт шотир билан боғлик ўй-фикрлар ўсиб чиқади. Шуниси борки, воқеалар давомида кузатилувчи қаҳрамоннинг ҳар қандай хаёли якунда Сирож муаллим ҳақидаги ўйларга занжир бўлиб боғланаверади. Бу эса руҳият манзараларини ёрқин кўриш ва тушуниш имконини яратади. Валининг хаёллар ортидан қувиши янги-янги тугунларни ҳосил қиласи, бу тугунлар, ўз навбатида, илк тугунга бориб туташаверади.

“Дунёда аёлки бор, ҳам фаришта, ҳам алвастидир”<sup>14</sup>. Бу гап Валижоннинг қулоғига қачонлардир чалинган, Ҳанифани учратиши билан хаёлида қайта жонланиб, уни узоқ вақт таъқиб

<sup>7</sup> Мухтор О. Минг бир қиёфа // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 185.

<sup>8</sup> Юқоридаги манба. – Б.177.

<sup>9</sup> Атлашкина Д.С. Фантастический реализм Н.В. Гоголя. [Интернет ресурс]. URL: <https://revolution.allbest.ru> (Мурожаат этилган сана: 18.08.2021)

<sup>10</sup> Романинг янги умри. (Д.Куронов билан сұхбат) // Китобда: Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.228.

<sup>11</sup> Назарова Ш. Ҳаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. – 108 б.

<sup>12</sup> Shayton bilan dehqon. [Интернет ресурс]. URL: <https://ertak.uz> (Мурожаат этилган сана: 23.08.2021)

<sup>13</sup> Куронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б.49.

<sup>14</sup> Мухтор О. Кўзгу олдидаги одам // Китобда: Мухтор О. Тўрт томон қибла. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 185.

қилади. Гоҳ Ҳанифа, гоҳ Мамлакатхон ҳақида ўйларкан, бири фаришта, бири алвасти бўлиб туюлаверади. Қизиқ томони, бу муносабат бот-бот ўрин алмашиб туради. Яъни, илк учрашувда фаришта бўлиб кўринган Ҳанифани кейинроқ алвасти, бир муддат ўтгач, яна фаришта деб ўйлайди. Мамлакатхон билан ҳам шундай. У дастлаб фаришта, кейин алвасти ўлароқ таассурот қолдиради. Қаҳрамон Ҳанифа ҳақидаги ўйларда Бадалбек орқали билвосита, Мамлакатхон (Сирож муаллимнинг қизи) ҳақидаги ўйларда бевосита Сирож муаллим билан хаёлан тўқнаш келаверади. Эътиборли жиҳати, Валижоннинг икки аёл персонажга оид ўйлари, аввало, Бадалбек ва Сирож муаллим ҳақидаги хотиралардан озиқланади. Даставвал, Ҳанифанинг ёшлиқдаги таниши экани, қолаверса, даҳмазага учраган паллада унга қайта рўбарў келиши, қизни “нажот фариштаси” деб билишига асос бўлади. Валижоннинг тасаввуридаги Бадалбек ёвуз одам. “Нажот фариштаси” шу одамнинг қизи эканини билгач, отаси билан боғлиқ хаёлларга чалғиб, уни алвасти ўлароқ ўйлай бошлайди. Кўринадики, Ҳанифага нисбатан кейинги қарашлари Бадалбек шахсияти орқали шаклланади. Аксинча, Сирож муаллимни яхши одам деб билгани учун қизи ҳақида ҳам шунга кўра ўй юритади. Валижон шундай ҳолатдаки, у учун энг муҳим нарса Сирож муаллим билан рўй берган воқеанинг – сирнинг тагига етиш. Сирнинг калити унинг оиласида деб ўйлаш ва ҳаракатланиш Мамлакатхон билан муносабатларини жадаллаштиради. Оқибатда шундай кўйга тушадики, “Мамлакатхон менинг жони-жаҳонимга айланган, менга усиз ҳаёт йўқ эди. Мен унга топина бошлаган эдим”<sup>15</sup>.

Валижон чойхонада учратганида Сирож муаллим битта эди, уни тирилган деб ўйлаган, холос. Мамлакатхонга яқинлашгач, ертўлада ҳам Сирож муаллим пайдо бўладики, сир фош бўлиш ўрнига чигаллаша боради. “Энди буларнинг иккисидан (учаласидан) қайси бирини Сирож муаллим деймиз”<sup>16</sup>. Воқеалар давомида эса унинг учувчи ва муаллим ҳақидаги аввалги таассуротлари ўзгара бошлайди. “... Бадалбек ерни заҳарлагани тўғри, лекин Сирож муаллимнинг **гуноҳи қўпроқ** бўлиши керак, деган хаёлга бораман”<sup>17</sup>. Қаҳрамоннинг ўз-ўзини англаб бориши, ҳақиқат сари одимини тезлаштириб, атрофдаги инсонлар (Сирож муаллим, Бадалбек, Ҳанифа, Мамлакатхон)нинг асл киёфасини танитиб боради.

Мамлакатхоннинг иссиқ оғушидан чиққан Валижон эски бир китобдаги “Шайтон тандаги қон каби” – деган сўзларни эслайди. “Ўзимча: “Энағарни боласи...” – деб ўйладим. Бу – шайтонгами, Сирож муаллим ёки Мамлакатхонгами – кимга тегишли? – билмас эдим”<sup>18</sup>. Аслида учовининг илдизи битта – Иблисга боғланади. Валижон наздида эса, улар тамоман бошқа-бошқа яратик. Шу ўринда “Ўткан кунлар” романи таҳлилига бағишланган бир мақолага юзлансан. Унда Уста Алим ва Отабек тақдири қиёсланиб, мавжуд вазият ҳақида шундай ёзилади: “Орага шайтанат оралагани бор гап. Бироқ шуниси эътиборлики, бу ўринда шайтанат сўзига Отабек бир турли, ўқувчи бошқа бир турли, муаллиф тағин бир турли мазмун беради. Табиийки, сюжет воқеаларини кузатиб келаётган ўқувчи учун “шайтанат” – Хомид ва унинг ҳамтовоқлари. <...> Отабек наздида эса “шайтанат” қайнотасининг дилига оралаган”. Муаллиф учун эса “<...> шайтанат”, аввало, Отабекнинг хаёлини забт этган”<sup>19</sup>. Худди шундай, Валижон ҳам айни ҳолатда вазиятни тугал ҳис қилишдан йироқ. Ўқувчи эса, муаллиф илгари сурган бадиий ғояни англай олсагина, Сирож муаллим оиласи тимсолида тоталитар тузумнинг кичик макети яратилганини тушуниб етади.

“Тепалиқдаги хароба” романни илк саҳифаларида бош қаҳрамон билан Мардонқул aka ўртасидаги сухбат ва асар хотимасида берилган автобусдаги сухбатни айтмаганда, қолган барча ўринларда Мирза Ғолиб ёлғиз ҳаракатланади. Турли макон ва замонда яшаган персонажлар сюжет воқеаларига, бевосита, қаҳрамон хаёлоти орқали кириб келади. Бундан кўринадики, адаб инсон хаёлотидаги чексизликлардан ўз бадиий мақсадини амалга оширишда самарали фойдаланган.

<sup>15</sup> Юқоридаги манба. – Б.212.

<sup>16</sup> Юқоридаги манба. – Б.209.

<sup>17</sup> Юқоридаги манба. – Б.230.

<sup>18</sup> Юқоридаги манба. – Б.201.

<sup>19</sup> Бу ҳақда қаранг. Куронов Д. Душманни танитган дўст. // Китобда: Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкет: Akademnashr, 2013. – Б.6.

Професор Ҳ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “ҳаётдаги энг катта жасорат руҳий ботирлиқдир”<sup>20</sup>. Шу жиҳатдан муаллиф бадиий нияти воқеликка эмас, унинг қаҳрамон ботиний оламига таъсири, Мирза Ғолибнинг ички қўркувни енгиб бориш жараёнига қаратилган. Харобада дастлаб содир бўлган ҳодисалар (парда ортида уч жасаднинг пайдо бўлиши, аёли Маствура қиёфасида дераза ортидаги кўланканинг қичқириқлари) уни қўркув-ваҳимага солса, кейинги ўй-хаёллар (Лутфий ҳаёти ва ижодига оид мулоҳазалар, сомонийлар ҳақидаги хотираларнинг эсланиши) ундаги мудроқ тафаккурнинг уйгонишига хизмат қиласди. Шу билан бирга, “замона билан аналогия асосида бадиий акс эттирилган ўтмиш аналогия асосида замона моҳиятини англашга ёрдам беради”<sup>21</sup>.

Қийин вазиятда, ҳамкасб-дўстлари тутган йўлдан аламзада Мирза Ғолибнинг болаликдаги дўсти Лутфуллани эслаши орқали билвосита асарда Лутфий образи жонланади. Шоир ғазаллари мазмунига таяниб, муаллиф унинг қиёфаси, севги тарихини яратишга интилади. Бунда Лутфий сиймоси, ғазалларига кўчган соф муҳаббатини Мирза Ғолиб шахсияти, Маствурага бўлган муносабати билан қиёсан ўрганиш тарихий мавзуга юклangan бадиий мазмунни, ёзувчининг бадиий-эстетик мақсадини ойдинлаштиради. Омон Мухтор сұхбатлардан бирида<sup>22</sup> Лутфий образининг яратилишига тўхталиб ўтади: “Лутфий ҳақида бир алоҳида роман ёзиш мумкин эди. Ҳолбуки, Лутфийнинг тарихини 30 бетларга жойлаштирганман. Мен Лутфийнинг ҳаётию муҳаббат тарихини тиклаб бердим, бу ёзилмаган эди”.

Лутфий даҳосига юзланиш орқали икки муҳим вазифа бажарилган. Биринчидан, ўзбек адабиётида Лутфий образи, бадиий қиёфаси яратилган бўлса, иккинчидан, шоирнинг муҳаббат тарихини ёритиши асносида адаб бош қаҳрамон сийратидаги инсоний қусурлар, ички эврилишларга эътибор қаратади. Яъни бир инсонни юрақдан севиб, ардоқлай олмаган, мажозий ишққа етишмаган одам маънан тозариши мумкин эмас. Лутфийнинг севги тарихини хотирлаш Мирза Ғолиб учун руҳий синов, комиллик йўлидаги тўсиқларни янчиб ўтишда восита. Шу жиҳатдан қаралса, бош қаҳрамон ва Лутфий характеридаги зидлик юзага чиқади. Мирза Ғолиб инсон баҳтли яшамоги шарт, деб ҳисобласа-да, (“Дунёда бир одам баҳтли бўлмас экан, ҳар қандай жамоанинг падарига лаънат!”) аввало, ўзи руҳан пок эмас, муҳаббатида ҳам кемтиклик кўзга ташланади. Аксинча, Лутфий муҳаббати шу қадар соф ва самимики, ишқ воситасида у “фариштадек – пок бир руҳ, беғубор бир қиёфа”га кирган.

Кўрамизки, ҳаёл Омон Мухтор асарларида нореалистик тасвир имкониятларини юзага чиқариш учун кенг йўл очади. Қаҳрамон хаёлоти образ руҳияти, ички эврилишлар, психологик зиддиятларни ифодалашда муҳим ўрин тутади. Бу, айниқса, “Тепаликдаги хароба” романида улкан бўй кўрсатади.

Юқоридагиларни хulosалаб, шуни айтиш мумкинки, трилогия қаҳрамонлари ижтимоий муҳит шарт-шароитлари билан ҳисоблашиб, унга кўра ҳаракатланаётган, ўз ирода кучи билан ундан юқорилашга интилаётган реалистик образлар. “Минг бир қиёфа” романидаги биргина образ – Бурҳон Шариф тасвирида романтик қаҳрамонга хос сифатлар – юксак идеаллар билан яшаш, “реал оламдан кўра мукаммалроқ олам яратишга” интилиш – кузатилса-да, у ҳам мавжудликнинг метин қобиғини ёриб ўтломаган, реалликдан баланд кўтарила олмаган, маънавий мағлуб шахс тимсоли. Биз имкон қадар таҳлил этишга уринган фантастик ҳолат-у воқеликлар, туш мотиви ва хаёлот тасвири – буларнинг бари реалистик манзарани ўқувчига янада жонли кўрсатиш, реал инсон оғриқлари, ўйлари билан чуқурроқ танишиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётий материални бойитиб, бадиий такомилга етказишга хизмат қилган.

<sup>20</sup> Каримов Ҳ. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Услубий қўлланма. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллый кутубхонаси нашриёти. 2008. – Б. 71.

<sup>21</sup> Куронов Д. Талқин имконлари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – Б.40

<sup>22</sup> Мухтор О., Отабой А. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор. (давра сұхбати). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. – 6 март

**Адабиётлар**

1. Куронов Д, Шералиева М, Мамажонов З. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 406 б.
2. Мухтор О. Тўрт томон қибла: Уч романдан иборат Шарқ дафтари: (Трилогия) – Тошкент: Шарқ, 2000. – 432 б
3. Фитрат. Танланган асарлар. V жилдлик, I жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 256 Б.
4. Чўлпон. Асаrlар. IV жилдлик, I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 368 б.
5. Каримов X. Ўзбек романларининг тараққиёт тамойиллари. Услубий қўлланма. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2008. – Б. 123.
6. Куронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 336. б.
7. Назарова Ш. Хаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2013. – Б.108.
8. Мухтор О., Отабой А. Ҳар кимнинг ўз замин, ўз осмони бор. (давра сұхбати). Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998. – 6 март
9. Куронов Д. Талқин имконлари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 128 б
10. Куронов Д, Раҳмонов Б. Гарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – 275 б.
11. Сартр Ж.П. Воображаемое. Феноменологическая психология воображения. – Москва: Наука, 2001. – С.319.
12. Атлашкина Д.С. Фантастический реализм Н.В. Гоголя. <https://revolution.allbest.ru>
13. Shayton bilan dehqon. <https://ertak.uz>